O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 25-dekabr • Seshanba • 155-156 (27.801) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

**Шу йил 23 декабрь куни мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди.**

## Мустақил Ўзбекистон халқи энг муносиб номзодни сайлади

**23 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди.**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов 23 декабрь куни ўтказилган сайловнинг дастлабки якунларига бағишланган брифингда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимизнинг янги тарихи, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда тарихий босқич бўлганини таъкидлади.**

Сайлов халқнинг хоҳиш-ирода билдириши, сиёсий ҳаёт, давлат ва жамият бошқаруви, давлат ҳокимиятини шакллантиришда бевосита иштирок этишининг асосий воситаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида» ва «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари мамлакатимизда сайловни демократия, очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида ўтказишнинг кафолатидир. Сайлов муқобил асосда мамлакатимиз Конституцияси ва сайлов қонунчилигида белгиланган демократик тамойилларга тўла мувофиқ тарзда ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан номзодлар иштирок этди.

Қонунга мувофиқ Президентликка кўрсатилган номзодларга сайлов кампаниясини ўтказиш, сайловчилар билан учрашиш, сайловолди ташвиқотида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилди.

Округ ва участка сайлов комиссияларининг қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, мустақиллик ва адолат тамойилларига асосланган ҳолда фаолият юритгани сайловнинг демократлиги ҳамда амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини таъминлади. Барча 8266 та сайлов участкаси алоқа воситалари, компьютер ва оргтехника, сайлов қонунчилиги меъёрларига оид адабиётлар билан таъминланди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари учун ўқув семинарлари ташкил этилди. Сайловчилар, аввало, биринчи марта овоз бераётган сайловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида сайлов комиссиялари томонидан кўплаб учрашувлар, семинарлар, жумладан, телевидение ва босма оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилди.

Шунингдек, сайлов жараёнининг қарийб 23 минг 300 нафар кузатувчи иштирокида кузатиб борилиши ҳам сайловнинг очиқ ва ошкора ўтишини таъминлади. Бешта халқаро ташкилот — МДҲ, ЕХҲТ, ШҲТ, ЕврАзЭС, ИКТ, 30 дан ортиқ хорижий мамлакатдан келган кузатувчилар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи вакиллари сайловни кузатиб борди. Бундан ташқари, сайлов жараёнини ёритишда 300 нафарга яқин мамлакатимиз ва хорижий журналистлар иштирок этди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар ҳақида кенг жамоатчиликка мунтазам ва тезкор ахборот етказиб бериш мақсадида

*(Давоми 2-бетда)*




### МДҲ Кузатувчилари миссияси:

## Сайлов Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётни янада демократлаштиришнинг муҳим омилига айланди

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этган МДҲ Кузатувчилари миссияси вакилларининг матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ва хорижий журналистлар, халқаро кузатувчилар, юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари қатнашди.**

Матбуот анжуманини Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази раҳбари Б.Алимов бошқарди.

МДҲ Кузатувчилари миссияси раҳбари, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — ижрочи котиби С.Лебедев Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни кузатиш натижаларига бағишланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Кузатувчилари миссиясининг Баёнотини ўқиб эшиттирди.

Миссия таркибида МДҲга аъзо давлатлар ижроия ва сайлов органларидан, шунингдек, ЕврАзЭС ва МДҲ Ижроия қўмитасидан 79 нафар халқаро кузатувчи рўйхатга олинган. Сайлов жараёнини кузатиш ишлари 10 декабрдан бошланган. Тошкентда Миссия штаби, Бухоро, Самарқанд ва Фарғонада унинг бўлимлари ташкил этилди. Сайлов кампанияси мониторинги давомида кузатувчилар Андижон, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 1207 та сайлов участкасида, шу жумладан овоз бериш куни 703 та сайлов участкасида бўлдилар.

*(Давоми 2-бетда)*






### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

**2007 ЙИЛ 31 ДЕКАБРЬ ДУШАНБА ИШ КУНИНИ 2007 ЙИЛ 29 ДЕКАБРЬ ШАНБА КУНИГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Янги йил байрами муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2007 йил 31 декабрь душанба иш куни 2007 йил 29 декабрь шанба кунига кўчирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри, 2007 йил 24 декабрь*

### ШҲТ Кузатувчилари миссияси:

## Сайлов қонуний, эркин ва ошкора ўтди

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Кузатувчилари миссияси вакилларининг матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ва хорижий журналистлар, халқаро кузатувчилар, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари қатнашди.**

ШҲТ Кузатувчилари миссияси раҳбари, ШҲТ Бош котиби Б.Нургалиев Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этган ШҲТ Кузатувчилари миссиясининг баёнотини ўқиб эшиттирди.

Ҳужжатда миллий сайлов қонунчилиги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тааллуқли қисмининг ШҲТ Котибияти экспертлари томонидан ўтказилган таҳлилига кўра, ушбу қонун умумэътироф этилган халқаро сайлов стандартларига ва демократик меъёрларга мос келиши қайд этилган. У сайловчиларга эркин хоҳиш-ирода билдириш ва яширин овоз бериш учун зарур шарт-шароитларни таъминлайди. Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган барча Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайловолди ташвиқотини ўтказиш ва сайловчиларни ўз дастурлари билан таништириш учун тенг имкониятга эга бўлдилар.

Кузатувчилар ўз фаолияти давомида Президентликка номзодларнинг сайловолди штаблари раҳбарлари билан учрашди, Бухоро, Тошкент ва Когон шаҳарларидаги округ ва участка сайлов комиссияларида сайловга қандай тайёргарлик кўрилгани билан танишди.

Миссия вакиллари бир қанча сайлов участкаларида бўлиб, уларда овоз бериш ва овозларни санаб чиқишни ҳам кузатди. Миссия баёнотида овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида» ва «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларига тўла мувофиқ тарзда сайловчиларнинг эркин хоҳиш-ирода билдиришини таъминлайдиган амалий, тинч ҳамда пухта ташкил этилган шароитда амалга оширилгани таъкидланган.

Миссия ташриф буюрган сайлов участкаларида Ўзбекистоннинг сиёсий партиялари, сайловчилар ташаббускор гуруҳи ва бошқа жамоат бирлашмаларидан кузатувчилар ҳам бор эди. Баёнотда сайлов жараёни давомида ушбу кузатувчилардан Миссия вакилларига ҳеч қандай шикоят ва танқидий фикрлар билдирилмагани қайд этилган. Бундан ташқари, ушбу ҳужжатда овозларни санаб чиқишда Миссия вакиллари томонидан «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонун талаблари бузилган ҳолатлар аниқланмагани айтилган.

ШҲТ Кузатувчилари миссияси баёнотида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови қонуний, эркин ва ошкора вазиятда ўтгани ҳамда миллий сайлов қонунчилиги ва халқаро сайлов стандартларига тўла мос келиши таъкидланган.

Матбуот анжуманида ШҲТ Кузатувчилари миссияси аъзолари, ШҲТ Котибияти маслаҳатчилари С.Трепачёв ва Цзи Яньчи ҳам иштирок этди.

Матбуот анжуманида иштирок этган журналистлар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ШҲТ Кузатувчилари миссиясининг ишлари натижалари бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**(ЎзА)**

### Сўз — халқаро кузатувчиларга

# Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги тарихий воқеа

**Маълумки, шу йил 23 декабрь куни мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Сайлов жараёнларини хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан келган 300 га яқин кузатувчи кузатиб борди.**

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирлари 23 декабрь куни уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлиб, мамлакатимиз сайлов тизими, Президент сайловига тайёргарлик, бевосита сайлов жараёни ҳақидаги фикрларини баён қилишни сўради.**

**Қуйида халқаро кузатувчиларнинг фикрлари билан танишасиз.**

**Теруэ ОКАДА, Токио университетининг илмий ходими (Япония):**

— Мен овоз бериш жараёнини Тошкент шаҳридаги 288-, 284-, 297-сайлов участкаларида кузатдим. Уларнинг ҳаммасида ушбу сиёсий тадбирга пухта тайёргарлик кўрилгани яққол сезилиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига оид қонун ҳужжатлари, китоблар, газета-журналлар, номзодлар ҳақидаги ранг-баранг маълумотларни деярли барча жамоат жойларида — бозорларда, транспортда, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларида кўриш мумкин. Сайлов жараёни мамлакатингиздаги деярли барча оммавий ахборот воситаларида, интернет сайтларда изчил ёритиб борилаётгани, овоз бериш жараёнини эса минглаб кузатувчилар, жумладан, ЕХҲТ, ШҲТ, МДҲ каби кўплаб халқаро ташкилотларнинг вакиллари, хорижлик журналистлар синчковлик билан кузатиб бораётгани Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг очиқ-ошкоралигини ва транспарентлигини тўла таъминламоқда.

Сайлов участкалари комиссиялари вакиллари овоз бераётган фуқароларнинг барча саволларига батафсил жавоб қайтаришмоқда. Сайловчилар фаоллик билан, эмин-эркин овоз бермоқда.

Ўзбекистонда маҳалла институти жуда яхши ривожланган. Бу сайловчилар рўйхатини тузишда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, овоз беришга мўлжалланган шаффоф қутилар уларга ташланган бюллетенлар миқдорини бемалол кузатиб бориш имконини беради. Бундай шароитни барча тараққий этган давлатларда ҳам учратиш қийин.

Ҳар бир давлатда демократия халқ манфаатлари, урф-одатлари, миллий ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади. Ойлаб давом этадиган митинглар, ур-йиқитлар, андишасиз тортишувларни демократия деб бўладими? Шарқ халқлари, жумладан, японлар ҳам, ўзбеклар ҳам зиддият ва муаммоларни вазминлик билан, ўзаро ҳурматни сақлаган ҳолда ҳал қилади. Бундай донолик, вазминлик, ўзаро ҳурмат, узоқни кўзлаб иш тутиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ҳам яққол кўзга ташланганини эътиборга моликдир.

•••

**Дун СЯОЯН, Хитой ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори ўринбосари:**

— Тошкентдаги бир нечта сайлов участкасида бўлиб, Президент сайлови жараёнларини кузатишга муваффақ бўлдим. Сайловчиларнинг овоз бериш жараёнида фаол иштироки мени қувонтирди. Бу уларнинг мамлакат тақдирига бефарқ эмаслигидан далолат. Сайлов участкаларидаги сайловчилар ва кузатувчилар учун барча зарур шароитлар яратилганини кўпчилик кузатувчилар эътироф этди. Сайловни Ўзбекистондаги каби юксак даражада ташкил этиш дунё мамлакатларида кам учрайдиган ҳодисадир. Президентликка номзодларнинг дастурлари ўзига хослиги, кўплаб йўналишларни ўзида мужассам этгани билан эътиборга молик. Номзодларнинг дастурлари билан сайловчиларни яқиндан таништириш мақсадида кўчалар, дўконлар, шифохона ва мактабларда кўпдан-кўп тарғибот материалларининг осиб қўйилгани мамлакатда Президент сайлови демократик руҳда ўтганининг яна бир далилидир. Президентлик лавозимига Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳидан тўрт номзоднинг кўрсатилгани, сайловчиларнинг танлаш имкониятини янада оширди. Номзодлар орасида хотин-қизлар вакилининг борлиги эса мамлакатингизда хотин-қизларнинг мавқеи тобора юксалаётганининг ёрқин тасдиғидир.

*(Давоми 2-бетда)*

☑ Сўз — халқаро кузатувчиларга

# Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги тарихий воқеа

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

**Ирина ЗВЯГЕЛЬСКАЯ, Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Марказий Осиё бўйича бош эксперти:**

— Мен Ўзбекистонда олдинги сайловларда ҳам кузатувчи сифатида иштирок этганман. Бу гал таассуротларим янада бойиди. Мамлакатингиз мустақиллик йилларида фақат ижтимоий, иқтисодий соҳаларда эмас, демократик асосларни мустаҳкамлашда ҳам салмоқли ютуқларни қўлга киритаётганига гувоҳ бўлдим.

Мен Жиззах шаҳридаги 16-, Пахтакор туманидаги 280- ва 284-сайлов участкаларида бўлиб, овоз бериш жараёнларини кузатиб, сайлов демократик нормаларга мувофиқ ўтаётганига ишонч ҳосил қилдим. Сайлов участкаларида сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин амалга ошириши учун халқаро талаблар даражасида имконият ва шароитлар яратилган. Шунинг ўзиёқ Ўзбекистон тараққиётнинг тўғри йўлини танлагани ва бу йўлдан дадил бораётганини кўрсатиб турибди.

●●●

**Хартче Роберт ВИНЕУНГАН, журналист (Индонезия):**

— Баъзи ғарблик экспертлар сайловлар демократик руҳда бўлиши учун номзодларни қўллаб-қувватлаш ёки уларга қарши чиқиш мақсадида албатта митинг ва намойишлар ўтказилиши керак, деган фикрни билдиришади. Менимча, бу қараш нотўғри. Бир мамлакатга хос демократияни бошқа бир мамлакатга андоза сифатида «кўчириб» бўлмайди. Шарқ оламидаги миллий менталитет, урф-одатлар, маданият мезонлари, айтайлик, ўша ғарбона демократияга баъзи ўринларда мувофиқ келмаслиги мумкин. Бу муҳим сиёсий жараён бўлмиш сайловларда ҳам кўзга ташланади..

Ўзбекистон фуқаролари ўз конституциявий ҳуқуқларини яхши биладилар. Улар Президент сайловида мана шу ҳуқуқларидан фойдаланиб, ихтиёрий равишда ўзлари танлаган номзодга овоз бермоқдалар. Мен Бухоро вилоятида сайлов жараёнини кузатиб, шунга амин бўлдим. Сайловларнинг очиқ, ошкора, адолатли ўтишини таъминлаш учун барча шарт-шароит яратилган. Хўш, шундай ҳолатда турли митингу намойишларга зарурат борми?! Албатта, йўқ! Қолаверса, демократияни анархияга айлантирмаслик керак.

●●●

**Мая АГИБАЕВА, «Юрист» журнали бош муҳаррири (Қозоғистон):**

— Мен Жиззах шаҳридаги 17-, 19- ва Жиззах туманидаги 131-сайлов участкаларида бўлиб, сайловчилар ва кузатувчилар учун яратилган шарт-шароитларга ҳавасим келди. Кўп мамлакатларда ўтказилган сайловларда кузатувчи сифатида иштирок этганман. Тан олиш керак, мамлакатингизда кузатувчилар учун барча имкониятлар бор. Ўзбекистонда Президент сайлови ошкора, демократик нормаларга мос ўтаётгани эътиборга сазовор. Президентликка номзодлар орасида хотин-қизлар вакили борлиги ҳам диққатга молик воқеадир.

●●●

**Демосфенис БАРДЗОКАС, Афина Миллий техника университети профессори (Греция):**

— Навоий шаҳридаги 5-, 8-сайлов участкаларида бўлдим.

Сайлов демократиянинг муҳим институти бўлиб, у халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, сиёсий ҳаётда, жамият ва давлат бошқарувида фаол иштирок этишининг асосий воситасига айланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида сиёсий партиялар билан бир қаторда сайловчилар ташаббускор гуруҳидан номзоднинг иштирок этиши, улар орасида аёлларнинг вакили борлиги мамлакатингизда демократия асослари мустаҳкам қарор топаётганини, аҳолининг ҳуқуқий маданияти юксалаётганини кўрсатади.

Мен Тошкентда туғилганман. Шу ерда ўсиб-улғайдим. Узоқ йиллардан буён Афина Миллий техника университетида ишлайман. Ушбу сиёсий тадбир сабаб Ўзбекистонга келиб, мустақиллик йилларида бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишларини, улкан ўзгаришларни кўриб қувондим. Кўркам ва замонавий таълим муассасалари, шифохоналар қад ростлабди. Равон йўллар, обод шаҳар ва қишлоқлар кишининг ҳавасини келтиради.

●●●

**Вернер ФУРМАН, «Европа-Берлин» дўстлик жамияти раиси (Германия):**

— Ўзбекистоннинг бой тарихи, маданияти, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар мени анчадан буён қизиқтириб келади. Ўзбекистондаги Президент сайловида кузатувчи сифатида қатнашишим туфайли ажойиб юртингиз билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлганимдан мамнунман.

Тошкент шаҳридаги 83- ва 51-сайлов участкаларида бўлганимда, бу сиёсий тадбирга пухта ҳозирлик кўрилганига ишонч ҳосил қилдим. Сайловчилар ва халқаро кузатувчилар учун яратилган имкониятлар барча талабларга жавоб беради. Сайлов кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтаётгани, ҳар бир сайловчи сайловда шахсан иштирок этиб, ўзи танлаган номзод учун овоз бераётгани юртингизда халқаро меъёрларга мос сайлов тизими шаклланганини кўрсатади.

Очиқ-ошкора руҳда ўтаётган мазкур сиёсий жараён — Президент сайлови Ўзбекистон демократик, ҳуқуқий жамият барпо этиш йўлидан дадил бораётганининг ёрқин далилидир.

●●●

**Александр ЮРЕВИЧ, МДҲ Ижроия қўмитаси бўлим бошлиғи ўринбосари, халқаро кузатувчилар миссияси штаби аъзоси (Минск):**

— Бир нечта сайлов участкаларида бўлдим. Мамлакатингиз ҳаётидаги мазкур муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жуда кўтаринки руҳда, уюшқоқлик билан ўтказилди. Бунга ҳар бир сайлов участкасида гувоҳ бўлиш мумкин. Сайловчилар эркин, яширин равишда овоз бермоқда. Буни Қорақалпоғистондан, вилоятлардан телефон орқали хабар бераётган халқаро кузатувчилар ҳам тасдиқлашмоқда.

Шуни алоҳида таъкидламоқ жоизки, мазкур сайлов кўппартиявийлик, муқобиллик асосида ўтаётгани, ҳар бир фуқаронинг тўғридан-тўғри овоз бериши унинг демократик тамойилларга, халқаро нормаларга мослигидан далолат беради.

●●●

**Владимир ГАРКУН, МДҲ ижроия котиби — Ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари:**

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови қонунчилиги билан чуқур танишдим. У ҳар томонлама мукаммал ва халқаро андозалар талабларига тўлиқ жавоб беради. Ҳуқуқий замин мустаҳкам бўлгани учун ҳам бугунги сайлов жараёни юқори савияда, қонунийлик асосида ўтди. Кун давомида кўплаб участкаларда бўлиб, бунга шахсан ишонч ҳосил қилдим. Айниқса, сайлов юқори даражада ташкил этилгани эътиборга лойиқ.

Сайловчилар фуқаро сифатида ўз ҳуқуқини эркин амалга оширяпти. Бунга ташқаридан таъсир қилиш, аралашиш ҳолатлари умуман кузатилмади. МДҲ давлатларидан саксонга яқин кузатувчи ташриф буюрган бўлса, улар юзлаб сайлов участкасида бўлишди ва уларнинг ҳар бири борасида ана шундай ижобий фикрларни айтиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, сайловгача биз унда иштирок этаётган сиёсий партиялар вакиллари билан мулоқотда бўлдик. Сайлов билан боғлиқ барча жараёнларда ўзаро тенглик тамойилларига қатъий амал қилинганига амин бўлдик. Шу ўринда сайловда иштирок этаётган сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳидан Президентликка номзод кўрсатилгани яна бир ижобий ҳолат эканини айтиб ўтмоқчиман.

Қисқа қилиб айтганда, сайлов очиқлик, ошкоралик руҳида ўтди. Ҳеч қандай шикоят ва бошқа салбий ҳолатлар кузатилмади.

●●●

**Мун ХА-ЁНГ, Корея Республикаси Йонсей университети профессори:**

— Талабалар шаҳарчасидаги 218-сайлов участкасига соат 13 да келганимизда сайловчиларнинг 85 фоизи овоз бериб бўлган экан.

Сайлов ошкора, адолатли, тенг рақобат асосида ўтмоқда. Сайловда турли сиёсий партиялардан номзодларнинг, жумладан, аёл номзоднинг иштирок этаётгани Ўзбекистонда оила институтида ва сайловида янгилик ҳисобланади. Чунки юртингиз тарихида аёл номзоднинг бундай иштироки биринчи маротаба кузатилмоқда. Аслида бундай ҳолат дунё бўйича ҳам кам учрайди. Мен аёлларнинг ҳокимиятда бўлишини маъқуллайман. Куни кеча Корея Республикасида бўлиб ўтган Президентлик сайловида ҳам аёл номзод бор эди.

Одатда сайлов жараёнида хилма-хил фикрли одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умиди, ижтимоий кайфияти яққол намоён бўлади. Мен мамлакатингизда бир неча йил элчи бўлиб фаолият юритганим боис ҳаётнинг турли жабҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан хабардорман. Изчил ислоҳотлар самарасида юртингиз катта муваффақиятларга эришди. Халқ ҳаётига ижтимоий-иқтисодий янгиликлар олиб кирилди. Мамлакатда демократия тамойилларига амал қилиниши ва иқтисодий юксалиш аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

●●●

**Анвар Ҳуссайн СИДДИҚИЙ, Покистондаги Халқаро ислом университети президенти:**

— Мен Тошкент шаҳридаги 164-, 167-, 168- сайлов участкаларидаги овоз бериш жараёнини кузатиб, уларда фуқароларнинг ўз конституциявий бурчини адо этиши учун барча имкониятлар яратилганига амин бўлдим.

Ҳаж зиёратига жўнаб кетган фуқаролар учун олдиндан овоз бериш имконияти яратилгани ҳам таҳсинга лойиқдир. Зеро, бу мамлакатингизда инсоннинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири — сайлаш ҳуқуқидан фойдаланиши учун барча шарт-шароитлар тўла яратилганининг яна бир тасдиғидир.

Сайлов участкаларининг сайловчилар яшайдиган ҳудудларга яқин биноларда жойлашгани ҳам инсонга ҳурматнинг амалдаги ифодасидир. Инсон қадр топган, унинг манфаатлари тўла ҳимоя қилинадиган мамлакатдан тинчлик-осойишталик, қут-барака ва меҳр-оқибат аримайди. Ўзбекистонда Президент сайлови ана шундай шароитда ўтмоқда. Буларнинг бари юртингизда демократик қадриятларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётгани ва жамиятдаги ислоҳотларнинг ажралмас қисмига айланганидан далолатдир.

●●●

**Элдор Ризо ўғли ИБРОҲИМОВ, Озарбойжон Республикаси Миллий Мажлиси депутати:**

— Президент сайлови жамият ҳаётидаги жуда катта ижтимоий-сиёсий жараён ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатар эканман, бутун сайлов кампанияси ошкоралик асосида тузилганига амин бўлдим. Сайлов қонунчилиги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва халқаро меъёрларга тўлиқ жавоб беради. Ўзбекистон фуқароларининг тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилаётгани сайловнинг демократик тамойиллар асосида ўтаётганининг яна бир ифодасидир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, барча жабҳаларда, жумладан, иқтисодиёт соҳасида улкан ютуқларга эришди. Халқ фаровонлиги муттасил юксалиб, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ошмоқда. Бу мамлакатингиз танлаган миллий тараққиёт йўли ғоят тўғри эканидан далолатдир. Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан дадил бормоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари янада мустаҳкамланишига ишонаман.

●●●

**Зоҳид ОРУЖЕВ, Озарбойжон Республикаси Миллий мажлиси депутати:**

— Биз Тошкентдаги бир неча сайлов участкасини бориб кўрдик. Кузатувлар натижасида сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш имконияти тўла таъминланганига амин бўлдик. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонун ва сайловга оид бошқа қатор ҳуқуқий ҳужжатлар халқаро стандартларга тўла мос келишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Кузатувчиларнинг сайлов жараёнини бевосита кузатиб бориши, шунингдек, сайловчиларнинг эркин овоз бериши учун яратилган барча зарур шарт-шароитлар сайлов очиқлик ва ошкоралик асосида ўтаётганидан далолатдир.

Сайловнинг юқори даражада ўтишида Ўзбекистон фуқароларининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий фаоллигига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Бу ёшлар онгида демократик қадриятларни шакллантиришга катта ҳисса қўшиши шубҳасиз.

●●●

**Герхард КРАМЛ, Австриядаги «Крамл» қурилиш компанияси раҳбари:**

— Мен Тошкент вилоятидаги тўртта сайлов участкасида овоз бериш жараёнини кузатдим. У ерда сайловга оид барча чора-тадбирлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонун доирасида ўтказилди. Демакки, Ўзбекистон кучли ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидан собит бормоқда. Сайловда айниқса ёшларнинг фаоллиги киши эътиборини ўзига жалб этмай қолмайди.

**(ЎзА)**

# Мустақил Ўзбекистон халқи энг муносиб номзодни сайлади

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот маркази ташкил этилди. Бу ерда журналистларнинг самарали ишлаши учун барча қулайликлар яратилди — Интернетга уланган компьютерлар, алоқа воситалари, турли тадбирлар ўтказиш учун заллар уларнинг ихтиёрига берилди. Сайловнинг бориши ҳақидаги ахборотлар Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА сайтларига он-лайн тартибида жойлаштириб борилди. Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази миллий қонунчилик қоидаларини тушунтириш мақсадида округ сайлов комиссиялари матбуот хизматлари ходимлари учун амалий семинарлар, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, Тошкентдаги олий ўқув юртлари жамоатчилиги, ёшлар билан учрашувлар ташкил этди. Бундан ташқари, бу ерда мамлакатимиз ва хорижий журналистлар учун матбуот анжуманлари, брифинглар бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов брифинг қатнашчиларига сайловда иштирок этган сайловчилар сони 14 765 444 киши ёки рўйхатга олинган сайловчилар умумий сонининг 90,6 фоизини ташкил этганини маълум қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки якунларига кўра, Ислом Каримов 13 миллион 8 минг 357 овоз ёки сайловда қатнашган сайловчилар умумий сонининг 88,1 фоизини олди. Аслиддин Рустамов 468 минг 64 овоз — овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 3,17 фоизи, Акмал Саидов 420 минг 815 овоз — 2,85 фоизи, Дилором Тошмуҳамедова 434 минг 111 овоз — 2,94 фоизи миқдорида овозга эга бўлди. Бунда бюллетенларнинг 2,94 фоизи ҳақиқий эмас, деб топилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси айни пайтда Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган материалларни кўриб чиқаётганини маълум қилди. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси ихтиёрида қарор қабул қилиш ва сайлов якунларини матбуотда эълон қилиш учун яна 10 кун вақт бор. Шу муддат ичида округ сайлов комиссияларининг ҳар бир протоколи, ҳужжати яна бир марта синчковлик билан текширилади. Марказий сайлов комиссияси зарурат туғилган тақдирда айрим участка сайлов комиссияларининг материалларини ҳам текширади ва шундан сўнг қарор қабул қилади.

Брифингда овоз бериш давомида Марказий сайлов комиссиясига сайлов қонунчилиги бузилгани ҳақида шикоят ва аризалар тушмагани таъкидланди.

Миллий сайлов қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари ҳақидаги ахборот сайловдан кейин ўн кундан кечиктирилмай Марказий сайлов комиссияси томонидан матбуотда эълон қилинади.

Брифингда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юксак ташкилий савияда миллий сайлов қонунчилиги, демократия, очиқлик ва ошкоралик каби халқаро тамойилларга мувофиқ ўтгани қайд этилди. Сайловчиларнинг юксак даражадаги фаоллиги Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий ва ҳуқуқий етуклиги ошгани, мамлакат келажаги, янада равнақ топиши айнан улар қабул қилган қарорга боғлиқлигини теран англашининг ифодасидир. Мустақил Ўзбекистон халқи Ватан равнақи, ўзининг эзгу орзу-умидлари, осуда ҳаёти ва фаровонлиги учун овоз берди.

**Анна ИВАНОВА,**
**Ғулом МИРЗАЕВ,**
**ЎзА мухбирлари**

## МДҲ Кузатувчилари миссияси:

# Сайлов Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётни янада демократлаштиришнинг муҳим омилига айланди

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Баёнотда Ўзбекистонда Президент сайлови ва овоз беришга тайёргарлик кўришни халқаро ва ички кузатиш учун зарур ҳуқуқий ҳамда ташкилий-техник шароитлар яратилгани қайд этилган. МДҲ Халқаро кузатувчилари сайлов жараёнини тартибга солувчи ҳужжатлардан фойдаланиш, Президентликка номзодларнинг сайловолди штаблари раҳбарлари ва сайловчилар билан учрашиш, барча участка ва округ сайлов комиссияларига бориш ҳамда зарур ахборотларни олиш имконига эга бўлдилар. Кузатувчилар Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорликда иш юритди ва Президентликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида иштирок этди. Сайловни ташкил этишда иштирок этган барча тузилмалар кузатувчиларга ўз вазифасини бажаришда ҳар томонлама ёрдам кўрсатди.

Баёнотда МДҲ Кузатувчилари миссияси экспертлари ўзлари ўтказган таҳлилларни ҳисобга олган ҳолда, миллий сайлов қонунчилигида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш, эркин ва демократик сайловларни ташкил этиш тўғрисидаги халқаро меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий тамойиллари, сайловларнинг умумий хусусияти, тенг сайлов ҳуқуқлари, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш, сайловларда ихтиёрий иштирок этиш, уларни ошкора ўтказиш тамойиллари акс этгани таъкидланган.

Ҳужжатда барча даражадаги сайлов комиссияларининг фаолияти очиқ ва ошкора ташкил этилгани қайд этилган. Марказий ва округ сайлов комиссиялари мажлисларида оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам иштирок этди. Сайлов кампанияси давомида Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида 50 га яқин тадбир — брифинглар, матбуот анжуманлари, семинарлар ўтказилди.

МДҲ Кузатувчилари миссияси нафақат сиёсий партиялар, балки бевосита фуқаролар ҳам сайловчилар ташаббускор гуруҳларини ташкил этиш орқали Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга эканини ижобий баҳолади. Президентликка номзод кўрсатган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳига сайловолди ташвиқоти учун оммавий ахборот воситаларидан тенг фойдаланиш ҳуқуқи берилди. Баёнотда таъкидланганидек, буни Миссия штаби томонидан ўтказилган ижтимоий-сиёсий газеталар ва телевизион каналлар мониторинги натижалари ҳам тасдиқлайди. МДҲ Кузатувчилари миссияси ташвиқот кампанияси ҳуқуқий ва одоб-ахлоқ меъёрлари доирасида ўтди, деб ҳисоблайди. Сайловчилар Президентликка номзодларнинг сайловолди дастурларини таққослаш ва овоз бериш куни асосли равишда мустақил танлаш ва сайлаш имкониятига эга бўлди.

Баёнотда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Кузатувчилари миссияси сайловни эркин, очиқ ва ошкора ўтди, деб ҳисоблаши қайд этилган. Ушбу ҳужжатда сайлов Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётни янада демократлаштириш ва давлатни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омилига айлангани эътироф этилган.

Матбуот анжуманида қатнашган журналистлар Миссия фаолиятига доир барча саволларига жавоб олдилар.

**(ЎзА)**

## Муҳаммад САЛОМА:

# «Адолат тамойили асосида ўтди»

**Муҳаммад Салома Мисрда чоп этиладиган «Ал Масаийййа» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари. Журналист, сиёсатшунос. Ўзбекистон ҳақида бир неча мақолалар муаллифи. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида хорижий кузатувчи сифатида қатнашаяпти.**



— Ҳар гал Ўзбекистонга келишимдан олдин ўзимда бу юртга нисбатан соғинч, ғайриоддий бир интиқлик сезаман. Одамлари жуда меҳрибон, меҳмондўст. Бу ерда ўзимни худди ўз ватанимда юргандек ҳис этаман. Ўзбекистон мен учун ўз юртимдек азиз, муқаддас! Яна шуни таъкидлашим керакки, ҳар гал келганимда азиз диёрни янгидан кашф этаман, катта-катта ўзгаришлар, бениёс бунёдкорликнинг гувоҳи бўламан. Бу гал келганимда, мана, оппоқ бўлиб қор ёғди. Мисрда қор ёғмайди. Бу ҳам Яратганнинг сизга марҳамати, ризқ ва барака ёғдираётганидан далолат. Мисрдан олти киши келганмиз. Улар Ўзбекистоннинг бетакрор табиатига ҳавас қилишаяпти.

Мен ҳам журналист, ҳам сиёсатшунос, ҳам шу азиз диёрга қалбан яқин бир инсон сифатида Ўзбекистондаги ўзгаришларни доим кузатиб бораман. 2004 йилда бўлиб ўтган парламент сайловларида кузатувчи сифатида иштирок этган эдим. Ёш мамлакат демократик тараққиёт йўлидан қанчалик собитқадам бораётганининг гувоҳи бўлганман, ўшанда. Мана, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ҳам кузатувчи сифатида қатнашиш бахтига муяссар бўлдим. Юртингизда сайловни ўтказишга жуда катта ва пухта тайёргарлик кўрилган экан. Сайлов участкасига келган одамларнинг ниҳоятда катта қизиқиш ва ҳаяжон, масъулият билан овоз берганининг гувоҳи бўлдим. Сайлов очиқ, ошкора, демократик асосда ўтди. Бу сайловларни ўтказишга оид халқаро меъёрларга тўлиқ жавоб беради. Сайлов участкасида сайловчилар эркин овоз бериши учун қулай шароит яратилган. Мен Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятининг бир неча участкаларида бўлдим. Уларнинг барчасида ана шундай шарт-шароит яратилганини кўрдим. Қайси сайлов участкасида бўлишни ўзимиз белгиладик ва у ерга тўсатдан, ҳеч қандай огоҳлантиришларсиз кириб бордик. Барчасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жуда яхши ташкил этилганини бевосита кузатдик.

Сайлов жараёнида маҳаллий ва халқаро кузатувчилар, журналистлар учун жуда қулай шарт-шароит яратилгани ҳам ушбу сайловнинг барча талабларга ҳар томонлама мос эканидан далолат. Кимдир Ўзбекистонда бўлиб ўтган сайлов ҳақида ўзгача фикр билдирса, мен шуни айтишим, унга раддия билдиришим мумкин: — Ўзбекистонда Президент сайлови қонун асосида, халқаро талабларга тўла мос равишда, демократия ва адолат тамойилларига мувофиқ бўлиб ўтди. Бунга шубҳа билдириш мумкин эмас! Бу нафақат менинг, балки мен билан бирга келган ҳамроҳларимнинг ҳам фикридир.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Беҳзод ШУКУРОВ ёзиб олди**

# Фракция йиғилиши

**Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.**

Депутатлар биринчи ўқишда муҳокамага киритилаётган «Таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишди. Ушбу масала бўйича Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Абдуғафур Маматов маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун таълим соҳасидаги асосий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Ўтган ўн йил мобайнида таълим соҳаси жадал ривожланди. Янги муносабатлар вужудга келди. Лойиҳани ишлаб чиқишдан мақсад ана шу муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ва таълим сифатини оширишдан иборат. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида ҳам «Таълим тўғрисида»ги Қонунга ўқув муассасаларига қатнаш имконияти бўлмаган болалар учун инклюзив таълимнинг мақоми ва мазмунини белгилашни кўзда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мўлжалланган эди.

Қонун лойиҳасида молиялаштириш, таълимни ривожлантириш жамғармалари тўғрисида, таълим муассасасини бошқариш масалалари, таълим жараёнини ташкил қилишга қўйиладиган талаблар, таълим жараёни субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ижтимоий кафолатлари, ўқувчи ва тарбияланувчилар соғлигини ҳимоя қилиш, таълим муассасаси раҳбарларининг жавобгарлигини кучайтирадиган меъёрлар киритиш таклиф этилмоқда. Бу масалаларнинг қонунда аниқ белгиланиши таълимнинг ҳуқуқий базаси такомиллашувининг навбатдаги босқичига ўтиш имконини беради.

Қонун лойиҳаси юзасидан фракция аъзоларини бир неча саволлар қизиқтирди. Уларга Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Давлат тест маркази мутахассислари жавоб қайтардилар.

**Савол:** — Ҳар бир янги қабул қилинаётган қонун маълум ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Бизнинг «Таълим тўғрисида»ги қонунимиз бор-ку. Яна янги қонун қабул қилишга қандай эҳтиёж туғилди?

**Жавоб:** — Таълим соҳаси бир жойда тўхтаб турмайди. Доим ривожланади. Мамлакатимизда ҳам таълим соҳасида янги муносабатлар вужудга келди. Бу қонун ана шу муносабатларни тартибга солади. Унда Давлат тест марказининг ҳуқуқий мақоми белгиланаяпти. Оилавий таълим, таълим муассасаси муассисларининг ҳуқуқий асослари яратилаяпти. Таълим муассасасининг мулк ҳуқуқи, моддий-техника базаси тушунчалари очиб берилаяпти.

**Савол:** — Нодавлат таълим муассасалари ҳақида кенгроқ тушунча берсангиз.

**Жавоб:** — Бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган замоннинг ўзи таълим соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш, хусусий мактаблар очишни талаб этаяпти. Қонун бунга кенг йўл очиб беради. Бундан ташқари, оилавий таълим ҳам таълимнинг тури сифатида ўз ўрнини топаяпти. Оилавий таълим олганларга таълим ҳужжати берилади ва бу кейинги босқичда таълим олишни давом эттириш учун асос бўлади. Нодавлат таълим муассасаларининг асосий мақсади пул топиш эмас, таълим сифатини оширишдан иборат. Уларга ҳам давлат таълим стандартлари бирдек қўлланилади.

Шунингдек, фракция аъзолари лойиҳада бошқа қонун ҳужжатларига ҳавола этувчи меъёрлар кўплиги ушбу ҳужжатнинг тўғридан тўғри амал қилишини қийинлаштиришини таъкидладилар. Лойиҳа яна айрим камчиликлардан холи эмаслиги айтилди. Ушбу ҳужжат Ўзбекистон ХДП электорати ҳисобланган таълим соҳаси ходимлари манфаатлари билан бевосита боғлиқ бўлгани учун фракция аъзолари орасидан лойиҳа устида ишлаш, уни янада такомиллаштириш бўйича ишчи гуруҳи тузилди.

**(Ўз мухбиримиз).**

# Юртдошларимиз ҳаж зиёратидан қайтмоқда

**Мустақиллик шарофати билан миллий урф-одат ва анъаналаримиз, диний қадриятларимиз қайта тикланди. Юртдошларимиз ислом динининг барча арконларини, жумладан, ҳаж амалларини эмин-эркин адо этиш имконига эга бўлдилар.**

**Юртимиздан ҳаж зиёратига йўл олган ватандошларимизнинг дастлабки гуруҳи Саудия Арабистонидан Тошкентга қайтиб келди.**

— Истиқлол йилларида 70 минг нафардан кўпроқ ватандошимиз муборак ҳаж зиёратига бориб келишга муяссар бўлди, — дейди Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов. — Жорий йил ҳам беш минг нафарга яқин ҳамюртимиз муборак сафарга йўл олди. Давлатимиз томонидан уларга барча зарур шарт-шароит яратиб берилди. Бунинг учун давлатимиз раҳбари Ислом Каримовдан беғоят миннатдормиз.

Бу йил мусулмонларнинг муқаддас ҳаж зиёрати Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси билан бир вақтга тўғри келди. Шу боис муқаддас сафарга йўл олаётган ҳамюртларимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган сайлов ҳуқуқидан фойдаланишлари учун уларга олдиндан овоз бериш имконияти яратилди.

— Мен ҳаж сафарига кетишдан олдин сайлов қонунчилигимизда белгиланган имкониятдан фойдаланиб, ўзим муносиб топган номзод учун яширин равишда овоз бердим, — дейди пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидан ҳаж зиёратига бориб келган 72 ёшли Шаҳоб бобо Ҳамроев. — Бу сайлов қонунчилигимиз мукаммал ишлаб чиқилганидан далолат беради. Биз 23 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юксак савияда ўтганини ўша юртда туриб эшитдик ва бундан суюндик.

— Мадина шаҳрига боришимиз билан бизни ўзбекистонлик ишчи гуруҳи аъзолари кутиб олди, — дейди сурхондарёлик Йўлдош Бердимуродов. — Ўша куни биз учун ажратилган меҳмонхоналарга жойлашдик. У ерда бизга юқори даражали хизмат кўрсатилди.

Ватандошларимиз ҳаж зиёратини адо этиш асносида мамлакатимиз тинчлик-осойишталиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган хайрли ишларга Яратганнинг ўзи ривож беришини сўраб дуо қилдилар.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

☑ **Жамият, оила, она-бола**

**Мамлакатимизда она ва болаликни муҳофаза қилиш — давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Зеро, истиқлолнинг ўтган йиллари мобайнида оналик ва болаликни ижтимоий, маънавий, иқтисодий ва тиббий муҳофаза қилишга қаратилган Давлат дастурлари изчил амалга ошириб келинаяпти. Мазкур эзгу ишлар жойларда ўз самарасини бермоқда. Шунингдек, ҳали бу борада олдимизда вазифалар ҳам талайгина...**

**Сирдарё вилояти «Оналар ва болалар саломатлиги маркази» бош врачи Шаҳло НАЗАРОВА билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.**

# Тиббий маданият ва саломатлик

## Соғлом авлод тарбияси даражасини белгиловчи муҳим омиллардир

**— Шаҳло Эркиновна, сиз раҳбарлик қилаётган марказ якунланаётган «Ижтимоий ҳимоя йили»да вилоятда оналар ва болалар муҳофазаси бўйича қандай натижаларга эришди?**

— Марказимиз тиббий жамоасининг бош мақсади — вилоятимиздаги фертил ёшидаги аёллар, она ва бола соғлиғини муҳофазалаш. Жорий йилда вилоятда бундай ёшдаги аёлларнинг 94,3 фоизи тиббий кўрикдан ўтказилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кўрик давомида оналарда турли касалликлар сезиларли даражада камайиб бораётгани маълум бўлди.

Мамлакатимизда хотин-қизлар, ўсмир ва ёшларнинг ҳар томонлама соғлом, дуркун ўсишлари учун барча ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва тиббий шарт-шароитлар яратилган. Ҳукумат миқёсида амалга оширилаётган оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг касалланиш ҳамда ўлим кўрсаткичларини камайтириш, соғлом оилани шакллантириш йўлидаги репродуктив саломатлик тадбирлари яхши самаралар бераётир.

Айниқса, туғма ногиронликнинг олдини олишга қаратилган «Она ва бола» скрининги Давлат дастурини бажариш жараёнида ишимиз тез юришди. Вилоятда мазкур дастур асосида антенатал, перинатал, постанатал скрининг тадбирлари амалга оширилди. Антенатал скрининг талабларига мувофиқ, 7828 нафар ҳомиладор аёлнинг саломатлиги тиббий кўрикдан ўтказилди. Ихтисослаштирилган ўсмирлар вилоят диспансери, вилоят болалар шифохонаси қошидаги ўсмирлар репродуктив саломатлик маркази, барча шаҳар-туманлардаги ўсмирлар гинекологлари ва терапевтлари бевосита ушбу дастур талаблари асосида иш юритмоқда.



**— Хотин-қизлар орасида нисбатан кўп учрайдиган камқонлик хасталигининг олдини олиш йўлида марказ қандай тадбирларни амалга оширяпти?**

— Аёлларнинг сурункали камқонликка чалиниш ҳолатлари учраб турибди. Бу ҳол мутахассисларнинг доимий назорати остига олинган. Қолаверса, мазкур касалликка қарши кураш ишига барча тиббий хизмат турлари, шунингдек, кенг жамоатчилик жалб қилинган. Айрим халқаро ташкилотлар, жумладан, ЮНИСЕФ, Японияning «JICA» халқаро ташкилоти мутахассислари ҳамкорлигида темир моддаси танқислигининг олдини олишга қаратилган икки йиллик дастур шартлари ижроси вилоятда ниҳоясига етмоқда. Унга кўра, биргина 2007 йилнинг ўн бир ойи мобайнида 14-40 ёшли барча қиз-жувонларга, шу жумладан, 3260 нафар ҳомиладор аёлларга жами 2 миллион 100 мингдан ортиқ ферросульфат таблеткалари берилди.

Асосий диққат-эътибор ўсмир қизларимизни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларни мунтазам тиббий кўриклардан ўтказиш, аниқланган касалликларни вақтида даволашга қаратилаётир. Айни вақтда мутахассисларимиз томонидан вилоятдаги 26 минг 725 нафар ўсмир қизга тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Бемор деб топилган қизларнинг 11,6 фоизи стационар, 88,4 фоизи эса амбулатория шароитида соғломлаштирилди.

Ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида репродуктив саломатликни тарғиб қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Зеро, соғлом онадан соғлом бола дунёга келади. Вилоят халқ таълими, касб-ҳунар бошқармалари мутахассислари билан ҳамкорликда мактабларнинг юқори синфлари, академик лицейлар, коллежлар талабалари учун 16 соатлик «Соғлом авлод асослари» факультатив курслари ташкил этилди. Уларда мутахассислар, тиббиёт ходимлари маърифий-тарғибий ишлар олиб боришмоқда. Вилоят молия ва халқ таълими бошқармалари мактабларнинг моддий-техника базаларини ўрганиб чиқиб, ҳар бир мактабни тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш юзасидан махсус чоралар кўришди.

**— Кириб келаётган 2008 йил мамлакатимизда Ёшлар йили деб номланди. Сиз етакчилик қилаётган тиббий жамоа бу йилни қандай кутиб олаяпти?**

— Юртбошимизнинг Конституциямизнинг 15 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимдаги маърузасини бутун жамоамиз телевизор қаршисида тингладик. Газеталарда қайта-қайта ўқидик. Жорий «Ижтимоий ҳимоя йили»да республикамизда эришилган ютуқлар ва амалга оширилган ишлардан кўнглимиз кўтарилди. Оддий мисол: тиббиёт тизимида, пойтахтдаги ихтисослаштирилган тиббий марказларда 2 минг 400 нафар фуқарога бепул тиббий хизматлар кўрсатилган, ногирон шахсларга 8 мингга яқин протез-ортопедия жиҳозлари, 3000 та ногиронлар аравачаси, бир ярим минг дона эшитиш мосламаси, 5 минг дона ҳасса ва қўлтиқтаёқ бепул берилганлигининг ўзиёқ халқ сиҳат-саломатлигини ижтимоий ҳимоялаш йўлидаги эзгу ишларимиз намунаси...

Соғлом, мустаҳкам оила — жамият бойлиги. Шу нуқтаи назардан оила тинчлиги кўп жиҳатдан никоҳдан ўтувчи йигит-қизларимизнинг соғломлиги, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси, тиббий савияси ва ҳуқуқий саводхонлигига бевосита боғлиқ.

Яшириб нима қиламиз, бу борада ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам бор: **«Ўз-ўзидан аёнки,** — деди давлатимиз раҳбари ўз маърузасида, — **аҳолимизнинг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларимизнинг ҳали-бери ечилмаган муаммоларига эътиборимизни жалб этиш, уларни ҳаётимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш масаласи жамоатчилигимизнинг диққат марказида туриши шарт»** деган сўзлари бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди.

Ёшлар йилида вилоятимизда йигит-қизлар, ўсмирлар, оила қуриш бўсағасида турган ёшларнинг тиббий савиясини ошириш, уларнинг сиҳат-саломатликларини муҳофазалаш, айниқса, фертил ёшидаги ёш оналар репродуктив саломатлигига алоҳида аҳамият қаратилиши борасидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаймиз.

**Суҳбатдош:**
**Мунаввар ПАРДАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# Ёшлар камоли — юрт истиқболи

Бугунги ёшлар эртамизнинг чинакам эгалари, ҳаётимиз давомчиларидир. Шу боис уларни ҳар томонлама баркамол, комил инсонлар этиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Кириб келаётган 2008 йилнинг Ёшлар йили деб номланишининг ўзиёқ бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилиб, янада устуворлик касб этишини кўрсатиб турибди.

Ёшлар йили муносабати билан жойларда, таълим муассасаларида турли тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири яқинда пойтахтимиздаги Юнус Ражабий номли педагогика коллежида бўлиб ўтди.

«Ёшлар камоли — юрт истиқболи» мавзуида ўтказилган анжуманда Чилонзор туманидаги касб-ҳунар коллежлари талабалари ва ўқитувчилари иштирок этди. Унда сўзга чиққан коллеж директори Дилором Раҳимова, Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Муаттар Содиқова ва бошқалар давлатимизнинг ёшларга кўрсатаётган юксак эътибори ва келгусида қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида гапирдидилар. Талабалар номидан сўзга чиққанлар яратилган шароит, кўрсатилаётган ғамхўрликка жавобан аъло ўқиб, малакали мутахассис бўлиб етишишга сўз бердилар. Тадбир сўнггида коллеж талабалари томонидан концерт дастури намойиш этилди.



**Суратда:** *коллежнинг бир гуруҳ ёшлари.*

**Козим ЎЛМАСОВ олган сурат**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 25 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1110,95 | 1 Польша злотийси | 513,56 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2587,87 | 1 СДР | 2020,42 |
| 1 Дания кронаси | 248,94 | 1 Туркия лираси | 1085,49 |
| 1 БАА дирхами | 351,26 | 1 Швейцария франки | 1118,24 |
| 1 АҚШ доллари | 1290,00 | 1 ЕВРО | 1856,83 |
| 1 Миср фунти | 233,74 | 10 Жанубий Корея вони | 13,73 |
| 1 Исландия кронаси | 20,40 | 10 Япония иенаси | 113,99 |
| 1 Канада доллари | 1284,22 | 1 Россия рубли | 52,28 |
| 1 Хитой юани | 175,03 | 1 Украина гривнаси | 255,45 |
| 1 Малайзия ринггити | 385,72 | | |

** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*



# «Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси жамоаси

кириб келаётган қутлуғ Янги йил байрами билан мамлакатимиз аҳлини, соҳа вакилларини самимий табриклайди!

Ўтаётган 2007 йил юртимиз ҳаётида тарихий воқеаларга бой бўлди. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бу йил бизнинг жамоамиз ҳамда соҳамизга энг яқин ҳамкор ва шерик бўлган боғбону соҳибкорлар учун ҳам жуда баракали келди. Бу эса компаниямизнинг довруғи, истиқболини янада оширишга хизмат қилади.

Ниятимиз, Янги 2008 йил ҳам хайрли, омадли келсин! Юртимиз тинч, халқимиз дастурхони тўкин-сочин бўлсин!

Қадаминг қутлуғ келсин, Янги йил!








Таиланд:
## Парламент сайловида
### ағдарилган бош вазир тарафдорлари ютиб чиқмоқда



***Мамлакатда илгари ағдарилган Бош вазир Таксин Чинаватни қўллаб-қувватлаган Халқ ҳокимияти партияси парламентга бўлган сайловда ютиб чиқмоқда, деб хабар қилади AFP агентлиги.***

2006 йилнинг охирларида ҳокимият ҳарбий кучлар (хунта) қўлига ўтиб, мамлакатдан чиқариб юборилган Таксин Чинават тарафдорлари бу гал тахминларга кўра парламентдаги 480 та жойдан 228 тасини эгаллаш арафасида турибдилар.

Таиланд Марказий сайлов комиссияси 23 декабрь куни бўлиб ўтган сайловнинг расмий натижаларини ҳафта давомида эълон қилишини билдирган. Бироқ, ҳозироқ маълум бўлишича, Халқ ҳокимияти партияси парламентда энг катта фракция бўлиши кутилмоқда. Собиқ Бош вазир тарафдорларига яқинроқ келган рақиблардан бири — Демократик партия эса 166 та жой олиши мумкинлиги эҳтимол тутилаяпти. Қолган депутатлик мандатлари мамлакатда фаолият олиб бораётган партияларнинг камида бештаси ўртасида ўзаро тақсимланадиган бўлди.

XORIJDA

Владимир Путин:
## Сайловнинг микдорий тизими ўзини оқлади

**Россия Президенти Владимир Путин сайловда аралаш тизимдан микдорий (пропорционал) тизимга ўтиш борасидаги қарор тажрибада ўзининг тўғрилигини тўла исботлади, дея таъкидлади. Якшанба куни Петербургда Конституциявий суд аъзолари билан бўлган учрашувда Конституциявий суд ҳам бу қарорни қўллаб-қувватлаганлигини эслатиб ўтди**

Путин «тажриба ҳам, ҳаёт ҳам мазкур қарор сайлов мавсумида иштирок этган 11 та сиёсий партия томонидан асослаб берилди», — дея таъкидлаш билан бирга Парламентга ўтказилган олдинги сайловларга нисбатан бу галги сайловда энг кўп иштирок таъминланганлигини алоҳида қайд этди.

Шунингдек, Президент Конституциявий суднинг 16 йиллик фаолияти давомида тўпланган муайян тажрибаларни ва «юксак профессионал меъёрда эришилган ютуқларни сақлаб қолиш» кераклигини ҳам уқтириб ўтди.

## Туркия ҳарбий ҳаво кучлари
### Ироқ шимолига яна ракета зарбалари берди

***Курдистон Ишчи партияси вакиллари маълумотларга асосланиб, АПН хабар беришича, Туркия ҲҲК (ҳарбий ҳаво кучлари) самолётлари якшанба куни Ироқ шимолига яна ракета зарбалари берган***

Уларнинг сўзларига кўра, Арбил шаҳридан шимолроқда жойлашган тоғли ҳудудларга бомбалар ташланган. Авиаҳужумда Туркия ҲҲКининг учта самолёти қатнашган.

Сўнгги ҳафта давомида Туркия ҲҲК самолётлари Шимолий Ироқ ҳудудига камида тўрт марта зарба уюштирганлар.

## Саддам Ҳусайн яхтаси
### 17 миллион фунтга сотиладиган бўлди

**Ироқнинг бир йил олдин қатл этилган собиқ президенти Саддам Ҳусайн учун махсус қурилган Qadissiyat Saddam яхтаси сотувга қўйилди. Нуфузли судно нархи 17 миллион фунт ёки 34,5 миллион долларга баҳоланмоқда, деб Британиянинг The Telegraph газетаси сайтида хабар берилди.**

Яхта конструкцияси 1981 йилда даниялик инженерлар гуруҳи томонидан бажарилган бўлиб, унда дабдабали ҳашамларнинг ҳамма алломбало белгилари (тилло суви югуртирилган сантехника жиҳозлари, ванна ҳамда ясси экранли телевизорлар) билан бирга, судно соҳиби ҳаётига хавф туғилган ҳолатларда уни зудлик билан тарк этиш имкониятлари яратилган. Яхта ижодкорлари унда ҳатто вертолёт майдони, мўъжазгина театр зали ва йиғма тиббий клиника жойларини ҳам унутмаганлар. Шунингдек, суднода яхта хизмати (командаси)даги 35 нафар кишидан ташқари 28 нафар кишининг муқим яшаш шароити ҳам яратилган.

Сотувга қўйилган судно Ҳусайннинг иккинчи дабдабали яхтаси. Al Mansur («Ғолиб») номли биринчи яхтаси 2003 йилда америкаликлар томонидан йўқ қилинган. Qadissiyat Saddam деган (ҳозир у Occan Breeze, «Океан шамоли») мазкур биринчи яхта Ироққа кириши мумкин бўлмаганлиги учун ҳам омон қолган.

## Покистонда портлаш туфайли 9 киши ҳалок бўлди

Мамлакатнинг Сват воҳасидаги Мингар шаҳридан унча узоқ бўлмаган аҳоли турар жойида якшанба куни террорчи-камикадзе содир этган портлаш туфайли тўрт нафар ҳарбий хизматчи ва беш нафар фуқаро ҳалок бўлди, деб хабар қилади Reuters.

Маҳаллий полициячилар раҳбари Хабиб Замоннинг аниқлашича, жиноятчи ҳарбий колонна машинаси ёнига келиб, портлаш содир этган.

Эслатиб ўтамиз, сўнгги пайтларда, ҳарбийлар ва полиция ходимлари билан бирга, тинч аҳолига нисбатан ҳам террорчилик кучайди, оқибатда кейинги бир неча ой ичида 400 нафардан зиёд кишилар қурбон бўлди, деб таъкидлайди Reuters.




# Олмазор қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи жамоаси

Янги 2008 йил — Ёшлар йили билан бутун мамлакатимиз аҳлини чин кўнгилдан ТАБРИКЛАЙДИ!

Салкам минг нафарга яқин ёшлар таҳсил олаётган ўқув даргоҳимизда талабалар пухта билим олишлари, касб-ҳунар ўрганишлари, спорт билан шуғулланиб, жисмоний чиниқишлари учун барча зарур шароитлар яратилган.

Бугунги кунда ўнлаб ихтисосликлар бўйича ҳунар ўрганаётган чинозлик ёшларнинг қувончи чексиз. Тарих саҳифаларига ўзининг унутилмас, қувончли воқеалари билан битилаётган 2007 йилни коллежимиз аҳли ёруғ юз билан кузатмоқда. Ўйлаймизки, Янги йил чин маънода Ёшларимиз йили бўлади.

Яна бир бор Янги йилингиз муборак бўлсин, муҳтарам юртдошлар!




☑ Солиқлар — иқтисодиёт таянчи

# Жамият фаровонлиги

**сизу бизнинг солиқларни вақтида тўлашимизга боғлиқ,- дейди Олот тумани ДСИ бошлиғи Актам Эшонқулов**

Бирон бир давлат йўқки, солиқларсиз ўз иқтисодиётини тасаввур қила олса. Бугун солиқлар мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашда муҳим омил саналади. Юртимиздаги фаровонлик, тинчлик, турмуш тарзимиздаги ижобий ўзгаришлар замирида солиқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ётади. Буни мамлакатимизнинг чекка туманларидан бири — Олот мисолида ҳам кўриш мумкин.

Яқин-яқингача туманда савдо, тижорат ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бўйича атиги биттадан давлат корхонаси фаолият кўрсатарди. Баъзи қишлоқларда савдо дўкони йўқ эди. Борлари маълум соатларда ишлар ва ундан истаган нарсангизни топа олмасдингиз. Бугун туманда 2291 нафар юридик шахс мақомидаги ва 381 нафар якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ДСИ рўйхатидан ўтган. Бу ҳар бир маҳалла ва кўчада тадбиркор, ишбилармон топилади, аҳолини иш билан банд этадиган кичик корхона, цех, дўкон мавжуд дегани. Ана шу субъектлар томонидан туман маҳаллий бюджети изчил тўлдириб бориляпти. Биргина ўтган ойлар давомида бюджет даромадлар режаси 104 фоизга уддаланди. Бунда туман солиқчиларининг ҳам ҳиссаси бор, албатта.

— Солиқ тўловчилар орасида амалий учрашувлар, жонли мулоқотлар ўтказишимиз яхши самара бераяпти, — дейди ДСИ бошлиғи Актам Эшонқулов. — Шу боис юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоботлар тақдим этиш, бизнесни қонуний юритиш борасидаги билим ва кўникмалари такомиллашиб бормоқда. Аммо шоли курмаксиз бўлмаганидек, орамизда солиқ тўлашдан бўйин товлаш, осон йўл билан мўмай даромад эгаси бўлиш мақсадида турли қинғир ишларга қўл ураётганлар ҳам топилаётир. Ўтган давр мобайнида ходимларимиз томонидан 150 дан зиёд текширишлар ўтказилди. Шундан 135 тасида қонунбузарлик ҳолатларига дуч келинди.

Яқинда ўтказилган қисқа муддатли текширишларда 12 та ҳолатда назорат касса машиналарини ишлатмаганлик учун қонунбузар шахсларга нисбатан энг кам иш ҳақининг 30 бароабаридан 50 бароабаригача — жами 2,4 миллион сўмлик, 2 та ҳолатда НКМ ўрнатмай фаолият кўрсатганлиги учун энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдорида — жами 2,8 миллион сўмлик молиявий жарима солинди. Бир ҳолатда ноқонуний дори-дармон, 14 ҳолатда алькогол маҳсулотлари билан хуфёна савдо қилиш аниқланиб, қоидабузарларга тегишли жазо чоралари қўлланилди. Хусусан, бугун ун, ёғ, нон маҳсулотлари сотуви устидан қаттиқ назорат ўрнатилгани ҳам айрим қаллоблар йўлига ғов бўлмоқда.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**



## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

# «ПАХТАСАНОАТ»

**ҳудудий акциядорлик бирлашмаси жамоаси**

**Бунёдкор Ўзбекистон аҳлини, пахта тозалаш саноати ходимларини яқинлашиб келаётган Янги — 2008 йил билан чин дилдан табриклайди!**

**Сизларга эзгулик, саломатлик, омад, бахт-саодат, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги яратувчилик фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайди.**

**Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!**



**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!**

## Андижон вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

***2008 йил манзил рўйхатига киритилган қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича***

## ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Андижон шаҳри.**

**1.** «Форобий» МФЙдаги 200 ўринли 17-мактабни капитал таъмирлаш.

**2.** «Маърифат» МФЙдаги 640 ўринли 40-мактабни капитал таъмирлаш.

**3.** «Охунбобоев» МФЙдаги 960 ўринли 50-мактабни капитал таъмирлаш.

**Андижон тумани.**

**4.** «Хакан» ҚФЙдаги 392 ўринли 41-мактабни капитал таъмирлаш.

**Асака тумани.**

**5.** «Мустаҳкам» ҚФЙдаги 624 ўринли 26-мактабни капитал таъмирлаш.

**Булоқбоши тумани.**

**6.** 240 ўқувчи ўринли 11-мактабни капитал таъмирлаш.

**7.** 624 ўқувчи ўринли 26-мактабни капитал таъмирлаш.

**Балиқчи тумани.**

**8.** 420 ўринли 13-мактабни капитал таъмирлаш.

**9.** 320 ўринли 30-мактабни капитал таъмирлаш.

**10.** 405 ўринли 32-мактабни капитал таъмирлаш.

**Бўз тумани.**

**11.** 440 ўринли 15-мактабни капитал таъмирлаш.

**Жалақудуқ тумани.**

**12.** Охунбобоев шаҳридаги 360 ўринли 6-мактабни капитал таъмирлаш.

**13.** Тошматов ш/хўжалигидаги 422 ўринли 14-мактабни капитал таъмирлаш.

**Избоскан тумани.**

**14.** 834 ўринли 18-мактабни капитал таъмирлаш.

**15.** 640 ўринли 27-мактабни капитал таъмирлаш.

**Марҳамат тумани.**

**16.** 320 ўринли 2-мактабни капитал таъмирлаш.

**17.** 834 ўринли 8-мактабни капитал таъмирлаш.

**Пахтаобод тумани.**

**18.** «Пушман» ҚФЙдаги 550 ўринли 12-мактабни капитал таъмирлаш.

**19.** «Андижон» ҚФЙдаги 240 ўринли 21-мактаб (интернат)ни капитал таъмирлаш.

**20.** «Гулистон» ҚФЙдаги 1104 ўринли 25-мактабни капитал таъмирлаш.

**21.** «Дўстлик» МФЙдаги 640 ўринли 32-мактабни капитал таъмирлаш.

**22.** «Гузар» ҚФЙдаги 420 ўринли 41-мактабни капитал таъмирлаш.

**Улуғнор тумани.**

**23.** 422 ўқувчи ўринли 18-мактабни капитал таъмирлаш.

**Хўжаобод тумани.**

**24.** 624 ўқувчи ўринли 21-мактабни капитал таъмирлаш.

**Қўрғонтепа тумани.**

**25.** «Дардоқ» қишлоғидаги 624 ўринли 20-мактабни капитал таъмирлаш.

**26.** «Норбўта» қишлоғидаги 624 ўқувчи ўринли 28-мактабни капитал таъмирлаш.

**27.** «Қўрғонтепа» ҚФЙдаги 624 ўринли 12-мактабни капитал таъмирлаш.

**28.** 270 ўринли 46-мактабни капитал таъмирлаш.

**29.** 422 ўринли 31-мактабни капитал таъмирлаш.

**Капитал таъмирлаш ишларини молиялаштириш:** ***буюртмачига ажратилган бюджетдан ташқари мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.***

**1.** Балиқчи тумани «Этак алам» МФЙдаги № 120/2007 артезиан қудуғи қурилиши.

**2.** Булоқбоши тумани «Япалоқбоши» маҳалласидаги № 112/2007 артезиан қудуғи қурилиши.

**3.** Марҳамат тумани «Алитепа-водозабор»даги № 109/2007 артезиан қудуғи қурилиши.

**4.** Жалақудуқ тумани «Тешиктош» ҚФЙ «Ғайрат» МФЙдаги № 57/2007 артезиан қудуғи қурилиши.

**5.** Пахтаобод тумани «Уйғур» ҚФЙ «Соҳил» МФЙдаги № 110/2007 артезиан қудуғи қурилиши.

**6.** Пахтаобод тумани «Иттифоқ» ҚФЙ «Санграбод» МФЙдаги № 129/2007 артезиан қудуғи қурилиши.

**7.** Бўз тумани «Ўрта туп» МФЙдаги № 119/2007 артезиан қудуғи қурилиши.

**8.** Хўжаобод тумани «Манак» маҳалласидаги № 123/2007 артезиан қудуғи қурилиши.

**9.** Қўрғонтепа тумани «Янгибўстон» маҳалласидаги № 121/2007 артезиан қудуғи қурилиши.

**10.** Қўрғонтепа тумани «Савай» маҳалласидаги № 122/2007 артезиан қудуғи қурилиши.

**11.** Андижон тумани «Ёрбоши» ҚФЙдаги сув тармоғи қурилиши.

**12.** Балиқчи тумани «Охунбобоев» ҚФЙ «Омонариқ» МФЙдаги сув тармоғи қурилиши.

**13.** Балиқчи тумани «Балиқчи» ҚФЙ «Каттабулоқ ва Исломобод» МФЙдаги сув тармоғи қурилиши.

**Буюртмачи:** Андижон вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси. (Андижон ш. А.Навоий кўчаси, 45-уй.)

Қурилиш ишларини молиялаштириш: буюртмачига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ҳамда тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Савдоларда қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:

**Андижон ш. Б.Ҳакимов кўчаси, 14 а-уй, тел.факс: 224-72-79.**

***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.***

Таклифлар (оферталар)ни тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача, танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан сўнг ўтказилади.

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 12 декабрдаги 60-лф сонли буйруғига асосан лотереялар, тотализатор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ташкил этиш фаолиятини амалга ошириш бўйича «OMAD-BINGO» МЧЖга берилган LF серияли 000040-рақамли, «BOLSHAYA IGRA» МЧЖга берилган LF серияли 000032-рақамли, «SHODLIK GROUP» ОАЖга берилган LF серияли 000031-рақамли ва Фарғона вилояти ҳокимлигининг хўжалик ҳисобидаги «Омад-Диёр» давлат унитар бошқармасига берилган LF серияли 000010-рақамли лицензияларнинг амал қилиши тугатилди.**

БУХОРО ШАҲРИДАГИ

## «ШАҲРИСТОН»

МЕҲМОНХОНАСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини ва юртимизнинг барча меҳмонларини кириб келаётган **Янги — 2008 йил** билан самимий муборакбод этади!

**Юртимизда туризм соҳасининг янада ривожланишини, орзуларга тўла ҳаётимиз нурафшон бўлишини тилаб қоламиз!**

Азиз меҳмонларни Бухоро шаҳрига ташриф буюришларидан ҳамиша мамнунмиз.



## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

# БЕРУНИЙ «ЁҒГАР»

## ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Халқимизни кириб келаётган

**2008 йил — Ёшлар йили**

билан қизғин муборакбод этади!

**Корхонамизнинг аҳил жамоаси якунланаётган 2007 йилда самарали меҳнат қилди. Элимизга кўплаб сифатли маҳсулотлар етказиб берилди. Келгусида ҳам бу борадаги муваффақиятларимизни янада мустаҳкамлаш чораларини кўраяпмиз. Барча юртдошларимизни байрам билан қутлар эканмиз, Ватанимизнинг ҳар бир бурчагида тинчлик, осойишталик барқарор бўлмоғини тилаб қоламиз.**

Хонадонлардан қут-барака, тўкинлик аримасин.

*Янги йил сизларга омад ва бахт келтирсин!*

## Бухоро нефть ва газ саноат коллежи жамоаси

***Ватанимиз халқини ва «Ўзбекнефтгаз» холдинг компанияси ходимларини, устоз мураббийларни, барча талабаларни кириб келаётган Янги 2008 йил — Ёшлар йили билан чин дилдан муборакбод этади.***

**Сизларга ва таълим соҳасига кўмаклашаётган барча ташкилот ходимларига ўз миннатдорчилигини изҳор этади. Азиз юртдошлар, Янги йил барчамизга бахт-саодат, омад олиб келсин.**

**Доимо хонадонимиздан файз-барака, тинчлик-хотиржамлик аримасин!**

**Янги йил муборак, азизлар!**





## ХИВА ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

**Жонажон Ўзбекистон фуқароларини кириб келаётган Янги — 2008 йил билан муборакбод этади.**

**Барча юртдошларимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, улкан зафарлар, дастурхонларига файзу барака тилаймиз. Янги йилда барча эзгу ниятлар, орзу умидларингиз рўёбга чиқсин. Маълумки, мамлакатимизда таълим тизимига, келажагимиз эгалари бўлмиш ёшлар тарбиясига жуда катта эътибор берилаётгани ҳам бежиз эмас. Айниқса, 2008 йилни Президентимиз томонидан Ёшлар йили деб эълон қилиниши биз, педагоглар зиммасига янада катта масъулият юклайди.**

**Янги йил байрами муборак бўлсин, азизлар!**

TDM

# «ТОШКЕНТДОНМАҲСУЛОТ»

## ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

**Барча юртдошларимизни Янги – 2008 йил билан чин дилдан қутлайди!**





Шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги нишонланган 2007 йил бизнинг аҳил жамоамиз учун ҳам катта муваффақиятлар олиб келди. Хусусан, корхонамизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги технологияларни дадил жорий этиш йўлида қатор самарали ва истиқболли ишлар амалга оширилди. Натижада ҳар бир цехда ўз заминимизда етиштирилган бўлиқ буғдойлардан турли хил маҳсулотлар тайёрлаш кўпайди, сифати янада ошди. Истеъмолчиларимиз ҳам бу борада биздан миннатдор. Ўйлаймизки, Янги 2008 йил ҳам хайрли ютуқлар йили бўлади. Байрам арафасида юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат халқларини Янги йил билан қутлар эканмиз, ҳар бир хонадонга тинчлик, осойишталик, дастурхонларимиздан қут-барака аримаслигини тилаб қоламиз.

**Байрамингиз муборак бўлсин, азиз Ватандошлар!**

# «Бухоро экстракт ёғ»

## очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

**Юртдошларимизни Янги — 2008 йил билан табриклайди.**

Ёшлар йили деб эълон қилинган йилда истеъмолчиларга янада сифатли, экологик жиҳатдан тоза ёғ маҳсулотлари етказиб беришни асосий вазифамиз, деб биламиз. Якунланаётган йилда Бухоро вилоятида пахтадан баракали ҳосил кўтарилди. Демак, чигит ҳам мўл бўлди. Бу эса бизнинг ишимиз, фаолиятимиз узлуксиз ва унумли бўлиши кафолатидир.



**Ватандошларимизни қутлаш билан бирга, барча оилаларга тинчлик, хотиржамлик, саломатлик ва фаровонлик ёр бўлишини тилаймиз!**

Ифтихор

# Истиқлол мўъжизаси

Шошганда лаббай топилмайди.

Дам олиш куни ишхонадан йўқлаб қолишди. Дарвозахонадаги «Тико»нинг калити қўйган жойида йўқ экан. Қоғозларимни йиғиштириб, дарҳол кўчага чиқдим. Яхшики, йўл бўйида, Андижон — Ўш магистрали ёқасида яшаймиз. Ҳали асфальтнинг нариги тарафига ўтмасдан ёнимга яп-янги «Нексия» келиб тўхтади.

— Шаҳаргами, укажон?

— Сўраб нима қиласиз, чиқаверинг!

Танимабман, ҳаммаҳаллам Илҳомжон кулиб юзимга қаради. Олд ўриндиққа жойлашгач, уни саволга тутдим:

— Адашмасам, яқинда «Дамас» ҳайдаб юргандингиз?

Маҳалланинг бообрў оқсоқоли Сотволди ҳожининг кенжатойи жилмайиб, изоҳ берди:

— Ака, Асака автомобиль заводи ишга тушганидан буён «Ласетти»дан бошқа ҳамма машиналарни бир-бир синаб кўрдик.

— Демак, «Тико», «Дамас»ларни кирага чиқариб, «Нексия»да мазза қилиб юрибсизда.

— Худо хоҳласа, келаси йили «Шевролет» русумидаги «Каптива»нинг «оёғини кўриш» ниятим бор.

Оддий қишлоқ йигитининг ҳаваси юрагимда ўт ёқди. Росту, бу гапни ўн беш йил илгари эшитсам, «бу болакайнинг ё иссиғи баланд ёки ҳовлиқиб кетибди» деб ўйлашим тайин эди. Ҳозир эса ҳайратга ҳожат йўқ. Чунки, у осмондаги ойни оламан деяётгани йўқ, балки меҳнат туфайли қўлга киритиш мумкин бўлган неъмат, кундалик турмуш тарзи ҳақида фикр юритаётир.

Биламан, собиқ шўро тузуми даврида Сотволди монтёр битта велосипедни йигирма саккиз йил минган, яна укаси Мухторжон билан. Бугун ака-ука Хўжаобод туманидаги Кўтарма қишлоғининг ўзига тўқ оилалари соҳиби. Бир пайтлар битта велосипедли оға-ини бугун тўртта машинага эга. Илҳомнинг ниятига кўра бешинчиси ҳам бўлади. Чунки, бу хонадонда бекор ўтирадиган одамнинг ўзи йўқ. Эркаклари кўчада, аёллари остона ҳатламай даромад топишади. Асосий машғулоти — соҳибкорлик.



Ўша оддий монтёр йигит бугун Сотволди ҳожи сифатида элга танилган. У картошкасини «илик узулди» пайти, узумини Наврўз арафасида сотади. Шунда ҳам бандининг суви қочмайди, ғужуми кирсиллайди.

— Бу деймаn, маҳаллада машинаси бор одамлар элликтадан ортиб кетгандир?

Илҳомжон кўзларини йўлдан узмай жавоб берди:

— Кеча ҳисоблаб чиқдик, юздан ортиқ автоуловимиз бор экан.

Маҳалла фаоли сифатида Кўтармада бор-йўғи 450 оила яшашини билардим. Демак, ҳар тўрт хўжаликнинг бири енгил автомобилга эга. Илгари бутун бошли маҳалла битта транспортга зор эди, ҳозир эса...

Аслида ният қутлуғ экан. Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси иш бошлаганида Президентимиз: **«Мен ҳар бир оилада ўзимизда тайёрланган машиналар бўлишини орзу қиламан»**, деган эди. Яхши ният — ярим мол деганларидай, бугун ўша қутлуғ орзу-ҳавас амалга ошаётир.

Ҳозир қўшма корхона конвейеридан йилига 170 мингтагача енгил машина чиқмоқда. Корхона лойиҳа қувватига етгач, йилига 200 мингта автомобиль ишлаб чиқарилади. Шунингдек, жорий йилнинг тўртинчи чорагидан бошлаб, «Шевроле» русумидаги замонавий «Эпика», «Каптива» автомобиллари ҳам хонадонларимизга кириб борди.

Энг муҳими шуки, ўзимизда ишлаб чиқарилган транспорт воситалари аввало ўзимизнинг яхши кунимизга яраяпти, узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилаяпти. Бундан-да фахрлиси, ўз транспортимиз ҳаёт тарзимизни ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Бугун шаҳардагина эмас, мамлакатнинг энг шимолий ҳудудида жойлашган бизнинг маҳаллада ҳам «тўрт ғилдиракли дастёр»ларга талаб катта. Демак, моддий имконият яхши. Ундан ҳам қувончлиси, енгил машиналаримизнинг сифати, чидамлилиги. Шу боис уларга ҳамма ҳавас қилади, ишонади, хорижда ҳам талабгор кўп.

Мана шу талабни «ЎзДЭУ авто» корхонаси тўла қондирмоқда. Агар корхона ишга туширилганидан шу йилнинг 1 ноябрига қадар 804 мингдан зиёд автомобиль ишлаб чиқарилган бўлса, шунинг қарийб ярми экспортга жўнатилди.

Яна бир гап. Бугун биргина Андижон вилоятида 115 мингта автомобиль ҳаракатланаётган бўлса, шунинг 60 мингга яқини ўзимизнинг Асакада ишлаб чиқарилган «Нексия», «Тико», «Дамас» ва «Ласетти»лардир. Шунингдек, замонавий «Эпика», «Каптива» ва «Такума» машиналари ҳам кўчаларимиз кўркига, файзига айланмоқда.

...Хаёлимда шу ўйлар айланар экан, «Нексия» бизни Андижон шаҳрига олиб кирди. Ўйладим, замонамдан ўргилай, машина қурғур хаёлдай учқур-а. Чиндан ҳам ўзингники бўлганига не етсин!

Идора олдида «улов»дан тушиб, Илҳомга миннатдорлик билдирдим. Яна фикрим тиниқлашди. «Қаранг, — деб ўйладим, — агар Асака автомобиль заводи пойдевори қўйилган кунларнинг кўзи билан қарасангиз, бугунги ҳаётимиз худди эртакка ўхшайди-я!»

**Абдумутал АБДУЛЛАЕВ**

# Чемпионларга ҳавас ортмоқда





Юртимизда ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий баркамоллигини таъминлаш, уларни оммавий спортга янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида бугун кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Болалар спортини ривожлантириш борасидаги хайрли тадбирлар ўз самарасини бераётир. Хусусан, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги замонавий иншоотларда, турли спорт секциялари ҳамда клубларида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланаётган ёшларнинг сони тобора ортиб бормоқда.

— Спорт манежимиз ишга тушганига ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди Нукус кўп тармоқли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Бахтиёр Қўчқоров. — Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси саъй-ҳаракати билан бунёд этилган мазкур иншоотда нафақат машғулотлар ўтказиш, балки кўплаб спорт турлари бўйича йирик халқаро мусобақалар уюштириш мумкин. Яқинда бу ерда Турон яккакураши бўйича илк Осиё очиқ чемпионати ўтказилди. Ҳозирда манежимизда бир вақтнинг ўзида беш юздан зиёд ўғил-қиз спортнинг 14 тури бўйича ўз маҳоратини оширмоқда.

Дарҳақиқат, жаҳон андазалари асосида барпо қилинган спорт мактаби чин маънода ўғил-қизларнинг севимли масканига айланган. Айни пайтда бу ерда Султон Сулаймонов, Бунёд Наримбетов, Шокир Ниёзов, Нигора Полвонова, Озод Казаков сингари мураббийлар болаларга оғир атлетика, бадиий гимнастика, кураш, футбол, стол тенниси, волейбол, қўл тўпи каби спорт турлари сирларини ўргатишмоқда.

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**



**Суратларда:** *Нукус кўп тармоқли болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг умумий кўриниши; стол тенниси мураббийи Бунёд Наримбетов машғулот пайтида.*

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.**

## УРГАНЧДА ЯНГИ БОСМАХОНА

Урганч шаҳрида тадбиркор Фарҳод Ибодуллаев ташаббуси билан хусусий босмахона иш бошлади. Барча қулайликка эга мазкур босмахонада замонавий полиграфия хизматлари кўрсатилади. Унинг биринчи мижози вилоят ёшларининг севимли нашри «Хоразм ёшлари» газетаси бўлди. Газета муҳаррири Эрпўлат Бахтнинг айтишича, илгариги муаммолар, ортиқча вақт йўқотиш анча камайган. Газетанинг сифати ошди. Шунинг билан бирга, газета муштарийларга ўз муддатида етиб борадиган бўлди.

Янги босмахонада газеталарни офсет усулида чоп этиш, айни пайтда уларнинг кўриниши, сифатини жаҳоний андозалар даражасига етказиш имкони мавжуд. Шу билан бирга, босмахонада турли бланкалар, ҳисоб-китоб варақалари тайёрланади. Бу эса вилоятда фаолият юритаётган минглаб фермер ва тадбиркорлик субъектларининг зарурий ҳужжатларини шу ернинг ўзида ишлаб чиқариш имкониятини яратади.

**Рўзимбой ҲАСАН**




Спорт

# КХДР — ЎЗБЕКИСТОН — 2:2

Шу кунларда Бангкокда футбол бўйича «Қирол кубоги» халқаро турнири давом этмоқда. Унда мезбонлардан ташқари КХДР, Ироқ ҳамда мамлакатимиз миллий терма жамоалари ғолиблик учун тўп суришаётир.

Мусобақада бош мураббий Рауф Инилеев бир қатор янги номзодларни синовдан ўтказмоқда. Турнирнинг дастлабки кунида вакилларимиз Таиланд терма жамоасига қарши майдонга тушдилар. Унда мезбонлар бир тўп фарқи билан ғолиб чиқишди — 3:2. Тўпларни ҳамюртларимиздан Фарҳод Тожиев («Самарқанд-Динамо») киритди.

Ироқ ва КХДР терма жамоалари ўйинида эса 1:0 ҳисоби қайд этилди.

Кеча кечқурун иккинчи тур баҳслари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон миллий терма жамоаси КХДР футболчилари билан дуранг (2:2) ўйнаган бўлса, Таиландликлар Ироқ вакилларини 2:1 ҳисобида енгишди.

# Ёшларимиз халқаро турнирда қатнашади



Аҳмад Убайдуллаев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг келаси йили Саудия Арабистонида ўтадиган Осиё чемпионатига йўлланма олганлигидан хабарингиз бор. Ана шу йирик мусобақада ғалаба қозонишни ўз олдига мақсад қилган ёшларимиз айни чоғда тайёргарлик машғулотларига эътибор қаратишган.

Осиё чемпионатига қадар ёшлар терма жамоаси бир қатор халқаро турнирларда иштирок этади. Келгуси йилнинг 20-30 январь кунлари Қатарда ташкил этилаётган мусобақа ҳам шулар жумласидандир.

Дохадаги «Ал-Араби» ва «Қатар» спорт мажмуаларида ўтказиладиган мазкур турнирда дунёнинг саккиз давлати футболчилари қатнашиши кутилмоқда. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси қуръага кўра, мусобақанинг «А» гуруҳида Қатар, Хитой ҳамда Кипр давлатлари ёшларига қарши майдонга тушади.

Турнирнинг «В» гуруҳидан Миср, Германия, Польша ҳамда Япония футболчилари жой олган.

Мусобақа низомига мувофиқ, ҳар бир гуруҳдан иккитадан жамоа ярим финалга йўлланма олади.

**Эркин ХОЛБОБО**

Интер-спорт

# Қуръа ташланди

Швейцариянинг Ньон шаҳрида футбол бўйича дунёнинг энг нуфузли мусобақаларидан бири саналган Европа чемпионлар лигаси нимчорак финал босқичига қуръа ташланди.

2008 йилнинг 19 февраль ва 5 март кунлари уй-сафар тизими асосида ўтадиган мазкур босқичда қуйидаги жамоалар ўзаро баҳс юритадиган бўлишди:

«Селтик» (Шотландия) — «Барселона» (Испания),
«Лион» (Франция) — «Манчестер Юнайтед» (Англия),
«Шальке-04» (Германия) — «Порту» (Португалия),
«Ливерпуль» (Англия) — «Интер» (Италия),
«Рома» (Италия) — «Реал» (Испания),
«Арсенал» (Англия) — «Милан» (Италия),
«Олимпиакос» (Греция) — «Челси» (Англия),
«Фенербахче» (Туркия) — «Севилья» (Испания).

# «Реал»нинг ғалабаси



Мамлакатимиз футбол жамоалари таътилга чиққан бир маҳалда Европа яшил майдонларида баҳслар қизғин тус олмоқда. Ўтган дам олиш кунида миллионлаб мухлислар бир қатор шиддатли учрашувлар гувоҳи бўлишди. Жумладан, Испания чемпионатининг марказий учрашувларидан саналган «Барселона» — «Реал» жамоалари баҳси барчада бирдек қизиқиш уйғотди.

Ниҳоятда ҳужумкор руҳда кечган мазкур ўйинда бразилиялик ярим ҳимоячи Жулио Баптиста томонидан киритилган ягона тўп «Қироллик» клубига ғалаба келтирди — 0:1.

Шунингдек, Италия миллий чемпионатининг охирги турида ўтказилган «Интер» — «Милан» жамоалари учрашуви ҳам ишқибозлар диққат марказида бўлди. Унда кутилмаганда дунёнинг биринчи рақамли футболчиси Кака тўп сураётган «Милан» футболчилари рақибларига 1:2 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti — 133-10-13
Madaniyat va sport — 133-69-45, 133-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36, 133-44-55 (Tel. Faks)
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83, 136-55-17
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1150
7929 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 01.30
Topshirilgan vaqti — 02.45
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda